

ҚЎЛДОШЕВ Қ.М.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗАРО СУҒУРТАНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография



"ИQTISODIYOT"


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Қамариддин Мансурович Қўлдошев

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗАРО СУҒУРТАНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография



ТОШКЕНТ–“ИҚТИСОДИЁТ” – 2021

УЎК: 368.8(575.1)

КБК: 65. 9(5у) 271

Қўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ўзаро сугуртанинг методологик асосларини такомиллаштириш. – Т.: «QOTISODIYOT», 2021. – 184 б.

Монографияда ўзаро сугурта фаолияти, ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусияглари, тижоратга асосланган сугуртадан фаркли ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда афзалликлари тўғрисида таҳлиллар амалга оширилган. Монографияда ўзаро сугуртанинг инсонлар ҳаёти ва иқтисодиётда тугган ўрни, унинг Ўзбекистондаги ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаларини қўллаш орқали уни кенг оммавийлаштириш масалалари ўрганилган ва тадқиқ қилинган, мазкур сугурта шакли билан боғлиқ хорижий мамлакатлардаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида хулосалар шакллантирилган. Шунингдек, мазкур монографияда Ўзбекистонда ўзаро сугурталаш фаолиятини иқтисодиётнинг баъзи соҳаларида татбиқ этишга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография сугурта соҳасидаги мутахассислар, ушбу соҳада таълим бераётган устоз-мураббийлар ва тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар ҳамда сугурта соҳасига қизиққан барча китобхонлар учун мўлжалланган.

В монографии анализируется деятельность по взаимному страхованию, специфика этой деятельности, отличия и сходства, а также преимущества взаимного страхования от коммерческого. В монографии рассматривается роль взаимного страхования в жизни и экономике человека, его современное состояние и проблемы развития в Узбекистане, вопросы его популяризации за счет использования зарубежного опыта в этой сфере, делаются выводы на основе анализа статистических данных по данному виду страхования за рубежом. В монографии также разработаны методические рекомендации по внедрению взаимного страхования в Узбекистане в некоторых отраслях экономики.

Монография предназначена для профессионалов в области страхования, преподавателей и исследователей в этой области, магистров, студентов и всех читателей, интересующихся вопросами страхования.

Масъул муҳаррир

Эшов М.П. – ТДИУ Ўқув ишлари бўйича проректор, и.ф.д. (DSc)

Тақризчилар:

Худойқулов С.К. – ТДИУ Еилар билан ишлари

бўйича проректор, и.ф.д. (DSc)

Меҳмононов С.У. – ТМИ Илмий ишлар ва инновациялар

бўйича проректор, и.ф.д., проф.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг

2020 йил 13 октябрдаги навбатдан ташқари йиғилишида муҳокама

қилинган ва тасдиқланган ("14"-сонли қарор).

ISBN 978-9943-7327-6-6

© «QOTISODIYOT», 2021.

© Қўлдошев Қ.М., 2021.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I боб.	СУҒУРТАНИНГ МУҚОБИЛ ШАКЛИ СИФАТИДА ЎЗARO СУҒУРТАНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ	6
1.1.	Ўзарo суғуртанинг пайдо бўлиши ва тадрижий тараққиёти.....	6
	Ўзбекистонда тижоратга асосланган суғурта хизматларининг	
1.2.	ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар....	20
1.3.	Ўзарo суғуртанинг дунё мамлакатларида амал қилиш хусусиятлари, уни Ўзбекистонда шакллантиришнинг зарурати ҳамда ҳуқуқий асослари.....	31
II боб.	ЎЗARO СУҒУРТАЛАШ ЖАМИЯТЛАРИДА СУҒУРТА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	51
	Ўзарo суғурталаш жамиятларини ташкил этиш ҳамда давлат	
2.1.	томонидан тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	51
2.2.	Ўзарo суғурталаш жамиятларида суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва суғурта ишнн ташкил этиш тамойиллари.....	62
2.3.	Хавф-хатар ва огоҳлантириш функцияларининг ўзарo суғурталаш жамиятлари фаолиятидаги ўрни.....	72
III боб.	ЎЗARO СУҒУРТАНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ, МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎЗARO СУҒУРТАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ	82
	Ўзарo суғуртанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уларни	
3.1.	Ўзбекистонда ташкил этиш ҳамда давлат томонидан тартибга солиш.....	82
3.2.	Ўзарo суғурталаш жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	94
3.3.	Қишлоқ хўжалиги суғуртасида ўзарo суғуртани жорий этишнинг афзалликлари ва методлари.....	107
IV боб.	ЎЗARO СУҒУРТАЛАШ ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	126
4.1.	Қайта суғурта оркали ўзарo суғурталаш жамиятларининг фаолиятини кенгайтириш.....	126
4.2.	Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касалликлардан суғурталашда ўзарo суғурта принципларини қўллаш.....	135
4.3.	Ўзарo суғуртанинг модификацияси сифатида тақафул-суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари.....	146
	ХУЛОСА	166
	ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	168
	ИЛОВАЛАР	175

КИРИШ

Суғурта фаолияти тадбиркорлик таваккалчилиги оқибатларини, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиши, ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлаши ҳамда иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш учун сезиларли манбаларни шакллантириши, инвестиция рискларини юмшатиши билан ажралиб туради. Хорижий мамлакатларнинг ривожланган суғурта бозорлари халқаро суғурта бозорининг қисми сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, у хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланиб, унинг ҳиссаси ялпи ички маҳсулотнинг 8-12 фоизини ташкил этмоқда. Кўплаб ахборот ва статистик хусусиятдаги маълумотларга кўра, суғурта соҳаси ривожланган мамлакатларда суғуртанинг муқобил шакллари амал қилмоқда.

Суғурта соҳаси ўзининг ривожланган даражасида иқтисодиётнинг базавий тизимларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай даражага эришишда суғуртани ташкил қилишнинг иккита асосий шакли амал қилиши муҳим ҳисобланади. Булар: тижоратга асосланган суғурта ва ўзаро суғурта шаклларидир. Ўзаро суғурта дунёнинг ривожланган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатларида катта ҳажмдаги суғурта хизматларини амалга оширмоқда. Ҳозирда фақат йирик ўзаро суғурталаш жамиятлари (ЎСЖ) сони “Шимолий Америкада 219 та, Европада 207 та, Осиё ва Океанияда 59 та, Лотин Америкасида 9 та ва Африкада 6 тани ташкил этмоқда”.¹ Шу билан бирга, “кейинги йилларда кўпгина мусулмон мамлакатларида ҳамда Америка ва Европа мамлакатларида ўзаро суғуртанинг модификациялашган шакли – такафул-суғурта (исломий суғурта) сезиларли даражада ривожланмоқда”².

Дунё миқёсида глобализация жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда, ушбу жараёнга кириб бораётган мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш давом этаётган ва айниқса, тадбиркорлик фаолияти кўлами кескин даражада ошиб бораётган ҳолатда суғурта хизматларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Бу албатта, ўз навбатида, суғурта фаолияти ва суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, суғурталашнинг янги шакллари амалга киритишни тақозо этади.

Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган жуда кўплаб тадбирлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларга қарамасдан, мамлакатимизда суғурта соҳаси ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлана олмаяпти. Кўп сондаги потенциал суғурталанувчиларда мавжуд рисклар суғурталанмай қолмоқда. Суғурта иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Ушбу ҳолат мазкур соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилишни талаб этади.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда халқаро суғурта бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашига эришиш

¹ ICMIFнинг www.icmif.org сайти маълумотлари.

² Engku Rabian Adawiah Engku Ali, Hassan Skott P.Odierno, Essential Guide to Takaful (Islamic Insurance). //CERT Publication Sdn. Bhd. – Kuala Lumpur, Malaysia. 2008.

йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Республика иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида бугунги кунда юз бераётган ижобий ўзгаришлар иқтисодиёт молия тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлган суғурта соҳасининг роли ошиб бориши учун объектив шарт-шароитларни яратмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатларда "...суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш"³ асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу мақсадда суғурта соҳасини янги ривожланиш босқичига кўтаришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш долзарблик касб этади. Бу борада суғуртанинг алоҳида шакли ҳисобланган ўзаро суғуртани шакллантириш мазкур муаммонинг ечимларидан бири эканлиги кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда ўзаро суғурта халқаро даражага кўтарилган. Ўзаро суғурта барча саноати ривожланган мамлакатларда муҳим ўринга эга. ЎСЖлари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари дунёнинг йирик суғурта бозорларида 42 фоиздан 70 фоизгачани ташкил этмоқда. Ҳозирги замон чет эл суғурта тизимларида (Европа, Америка, Японияда) бир қанча йўналишлар бўйича ўзаро суғурта етакчилик қилмоқда (айниқса, ҳаёт суғуртаси ва нафақа суғуртасида). Ўзаро суғурта тўғрисидаги мазкур ҳолатлар Ўзбекистонда ўзаро суғурта фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифалар, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 5 апрелдаги П-5464-сонли "Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли "Кафолат" суғурта компанияси акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 майдаги №1-сонли йиғилиш баённомаси билан "Тиббий суғурта тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш бўйича комиссиянинг ташкил этилиши ва шу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монографияда ишлаб чиқилган хулосалар, тақлиф ва тавсиялар муайян даражада хизмат қилди.

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, 2017 й. 7 февраль.

1 боб. СУҒУРТАНИНГ МУҚОБИЛ ШАКЛИ СИФАТИДА ЎЗARO СУҒУРТАНИНГ КОНЦЕПУАЛАСОСЛАРИ

1.1. Ўзарo суғуртанинги пайдо бўлиши ва дунё мамлакатларидаги тадрижий тараққиёти

Инсоннинг фаолиятига уни ўраб турган муҳитнинг хўжалик тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, жамиятнинг ривожланганлик даражаси, жамият аъзоларининг маданий-маърифий тарбияси ҳамда уларнинг моддий жиҳатдан қай даражада таъминланганлиги каби омиллар таъсир кўрсатади.

Ҳар бир инсон ўзининг атрофидаги уни ўраб турган муҳитдан турли даражада таъсир олиши мумкин, бу таъсир натижасида эса ижобий ёки салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Бир хилда меҳнат ва капитал сарфлангани ҳолда, маҳсулот бирида кўп, бошқасида эса кам миқдорда олинishi мумкинлиги маълум. Буларнинг сабабини инсон таҳлил этиб, жуда кўплаб табиий офатлар, яъни бевақт совуқ тушиши, курғоқчилик, жала, сел босиш, дўл ёғиши, ер қимирлаши, зараркуанда ҳашаротларнинг ҳужуми, турли хил касалликлар ва эпидемияларнинг юз бериши каби кўп турдаги табиат ҳодисаларидан ташқари инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида ҳам турли ҳодисалар юз бериши мумкин, масалан: ишлаб чиқаришдаги турли кутилмаган табиий ва стихияли ҳодисалар натижасида корхона ишлаб чиқаришидаги узилишнинг юзага келиши, турли сабаблар натижасида кўзланган фойдани ололмаслик, банкротлик ҳолатининг юзага келиши, корхона ўзининг муҳим ходими вафот этиши натижасида барқарорлиқнинг йўқолиши каби кўплаб ҳолатлар корхона оладиган фойдага салбий таъсир кўрсатиши, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказувчи бахтсиз ҳодисаларнинг юз бериши, оила ўз боқувчисидан ажралиб қолиши каби кўплаб салбий оқибатлар оила иқтисодига зарар етказишини яхши билади.

Шуларни ҳисобга олиб, инсон моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолмаслик учун ўзининг меҳнати ва сарфлаган маблағини бирор-бир восита ёрдамида кафолатлаш йўлларини излаб топишга ҳаракат қилиб келган. Бундан ташқари инсон бешиқдан то қабргача бўлган давр оралиғида тўлиқ фаол фаолият билан шуғуллана олмайди, унинг ҳаёт босқичларида ишга яроқсиз бўлиб қоладиган даврлари, кексалик даврининг кириб келиши ҳамманинг бошидан ўтадиган табиий жараёндир. Демак, инсонлар ўз меҳнати фаолиятининг фаол босқичида оғир кунларида керак бўладиган моддий маблағларни олдиндан ҳозирлаб қўйиши заруратга айланади.

Жамиятда юз берадиган турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тангликлар ҳам инсонларнинг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши, уларнинг тирикчилик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган турли салбий ҳодисалар етказадиган зарарлардан жамият ўз аъзоларини ҳимоялаш чора-тадбирларини кўриб қўйишга мажбур.

Инсоният ўзини ҳалокатли, ҳавfli ҳодисалардан ҳимоя қилиш учун турли кўринишдаги, моддий жиҳатдан кафолатлайдиган жамиятлар тузишга узоқ йиллардан бери ҳаракат қилиб келган. Худди шундай жамиятлардан бири

инсонга энг яқин бўлиб қолган, унга ҳаётининг оғир даврларида моддий томондан ёрдам берадиган суғурта жамиятларидир.

Ўз берадиган табиий офатларнинг ёки стихияли ҳодисаларнинг олдини олиш, кўрилган зарарни бир хўжалик ёки оила ҳисобидан қоплаш мушкулдир. Шунинг учун суғурта жамиятлари кўп сондаги ўз аъзоларининг аъзолик бадалларини тўплаш ҳисобига йиғилган маблағ ҳисобидан хўжалиги ёки оиласи зарар кўрган жамият аъзоларига кўрилган зарарни қоплашда ёрдам беради ёки зарарни тўлиқ қоплаб беради.

Суғурта инсонлар уюшганда пайдо бўлади. Суғуртанинг мақсади иқтисодий туфайли, ёнғин ва бошқа табиий ҳодисалар ва стихияли ҳодисалар натижасида юзага келган зарарларни қоплаш ва келажақдаги турли ижтимоий ва иқтисодий талабларни қондириш, яъни қўшимча нафақа, ногиронлик нафақаси, стипендия олиш ва бошқа шу каби талабларни қондиришдан иборат.

Суғурта жамиятда ва табиатда бўлиб турадиган салбий ҳодисалар натижасида инсоннинг жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан кўрган зарарларини қоплаб берувчи кафолатли соҳадир.

Умуман, суғуртани инсонларнинг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, жамиятнинг раванакига ишлаб чиқаришнинг бир текис давом эттишини таъминлаш ҳамда инвестицион маблағлар киритиш билан ҳисса қўшадиган, мамлакатда пулнинг қайта тақсимланишини таъминлашда хизмат кўрсатадиган институт деб қараш мумкин.

Суғуртага бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлишига биринчи ўринда ҳар қандай фаолиятда ва ижтимоий ҳаётда қандайдир даража ва кўринишдаги рискнинг мавжудлиги сабаб бўлганлигини таъкидлаш керак. Ҳаётда яшар эканмиз, кундалик ҳаётимизнинг ўзи ҳам турли-туман рисклардан холи эмаслигини ёшимиз улғайган сари ҳис этиб борамиз. Бирор-бир иқтисодий натижага эришиш мақсадида бошлайдиган ҳаракатимиз эса янада кўпроқ қўшимдаги рисклар билан боғлиқ.

Хўш, риск ўзи нима? Риск бу қандайдир кўринишдаги хавфли ҳолатнинг юз бериш эҳтимолиги, аммо ушбу ҳолатнинг юз берганлиги эмас. Ушбу риск бизнинг ҳар бир босган қадамимизда ҳам, ейдиган овқатимизда ҳам, ичадиган сувимизда ҳам ва бирор-бир мақсад йўлида амалга оширадиган ишимизда ҳам мавжуд. Рискнинг юз бериши эса бу ҳодиса. Ҳодисанинг юз бериши биз учун ҳаётимиз, соғлиғимиз, мулкимиз ёки иқтисодимизга зарар етказиши мумкин. Бу зарарнинг ҳажми ўз имкониятимиз билан қоплаш мумкин бўлган даражада кичикроқ бўлиши ёки ўз имкониятимиз билан қоплаш мумкин бўлмаган даражада катта ҳажмда бўлиши ҳам мумкин.

Биз ўз имкониятимиз билан қоплаш мумкин бўлган даражадаги риск ҳам бизнинг кейинги фаолиятимиз учун салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ўз имкониятимиз билан қоплаш мумкин бўлмаган рискнинг юз бериши эса бизнинг кейинги фаолиятимизни бутунлай издан чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам “суғурта” деб аталган хизмат инсоният жамиятида узок йиллар давомида шаклланган ва бугунги кун даражасига етиб келган.

Олимлар томонидан риск тушунчасига берилган таърифлар (1-иловага каранг) турлича бўлиб, улар ушбу тушунчанинг турли хусусиятларини намоён этган ва берилган таърифларнинг турлича эканлиги уларнинг бир-бирини инкор этишини билдирмайди, балки риск тушунчасининг кенг қамровли тушунча эканлигидан далолат беради.

Олимлар томонидан риск тушунчасига берилган таърифларни инкор этмаган ҳолда, биз рискка қуйидагича таъриф берамиз: риск ҳар қандай кўринишдаги ҳаракатнинг амалга оширилиши бўлиб, риск юз бермаган ҳолатда ушбу ҳаракатнинг амалга оширилиши натижасида қандайдир ижобий натижага эришилади. Ушбу риск юз берган ҳолатда эса амалга оширилган ҳаракатнинг натижаси зарар билан яқунланади.

Шундай қилиб, риск ва суғурта тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, рискнинг мавжудлиги суғуртага бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Ушбу эҳтиёж суғуртанинг эрамиздан олдинги икки мингинчи йилликларидаёқ пайдо бўлишига олиб келган ва ушбу узоқ йиллик тарихи давомида бир-биридан кўпгина жиҳатлари билан фарқ қилувчи суғуртанинг иккита шакли ўзаро рақобатда ва шу билан бирга, ҳамкорликда ривожланишига сабаб бўлган. Бу суғуртанинг илк шакли ҳисобланган ўзаро суғурта ва тижоратта асосланган суғуртадир.

Суғурта соҳаси дунё олимлари томонидан доимий равишда ўрганилиб ва тадқиқ этилиб келмоқда ва ушбу тадқиқотлар асосида улар томонидан бир-биридан бироз фарқ қилувчи назарий қарашлар шаклланган.

Иқтисодий адабиётларда суғурта ривожланиши давомида унинг учта шакли шаклланганлиги келтирилади: ўз-ўзини суғурталаш, ўзаро суғурта ва тижорат суғуртаси⁴. Бунда ушбу шаклларнинг энг биринчиси ўз-ўзини суғурталашдир, дея эътироф этилади ва ушбу суғуртанинг ўзига хослиги ташкил этиладиган суғурта фондининг марказлашмаганлиги, яъни бунда суғурта фонди ҳар бир алоҳида олинган ҳўжалик субъектлари томонидан ташкил этилишида дея таъкидланади.

Ўз-ўзини суғурталаш фондлари микродаражада ҳар бир jisмоний ва юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин. Микродаражадаги бундай суғурта фондлари инсонлар ва ҳўжалик субъектлари фаолиятида юз берадиган қутилмаган ҳодисалар ва қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилади. Масалан, Ўзбекистонда 2014 йилда янги тахрирда қабул қилинган акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда⁵ акционерлик жамияти ўз устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Россия Федерациясининг "Акционерлик жамиятлари тўғрисида" ги қонунда ҳам худди шундай талаб мавжуд.⁶

Шу каби ҳар бир оила ҳам юзага келадиган ҳодиса ва қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида маълум миқдордаги пул фондларини тўплаб қўйишлари мумкин. Бундан ташқари иккала субъект ҳам натурал кўринишдаги

⁴ Шершеневич Г. Ф. Курс торгового права. – СПб., 1908. Т. 2. С. 357.

⁵ "Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонун, 2014 й. 6 май.

⁶ Под.ред. В.И.Рябинова. Страхование. – М.: Экономист, 2006. С. 43.

ондларни ташкил этадилар. Аммо бу ташкил этилган фондлар кўп ҳолларда тарқалган бўлмади ёки кўплаб субъектлар бундай фондларни ташкил этиш имкониятига эга бўлмадилар. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бозор қисқисидиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга каттароқ ҳажмда суғурта фондини ташкил этиш уларнинг тадбиркорлик фаолиятини чегаралаб қўяди ва фаолиятининг самарадорлигини камайтиради.

Марказлашган суғурта фондлари ҳам борки, ушбу фондлар пул қўринишида ва натурал қўринишда давлат томонидан ва давлат маблағлари ҳисобидан ташкил этилади. Бундай фондлар мақсадли қўринишга эга бўлиб, улардан жамиятда юз берадиган йирик қўринишдаги табиий ва техноген ҳалатлар, йирик авариялар натижасида қўрилган зарарларни қоплашда фойдаланилади⁷.

Россиялик тадқиқотчи М.Г. Жигас ўзининг иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясида⁸ ўз-ўзини суғурталашда суғуртанинг асосий белгиси, яъни жавобгарликнинг тақсимланиши мавжуд эмас, дея таъкидлайди.

Жигаснинг ушбу фикрига биз тўлиқ қўшила олмаимиз. Чунки ҳар қандай ҳолатда олинган хўжалик субъектида ҳам мазкур хўжаликка хос бўлган "суғурта ҳолисалари"нинг юз бериши ва унинг олдини олиш бўйича жавобгарликлар тақсимланади (масалан, иш хонасида ёки ишлаб чиқариш субъектида ёнғин юз бериши бўйича жавобгар шахс белгиланади). Бизнингча, ўзини суғурталашнинг бошқа суғурта шаклларида фарқи рискни бартараф қилиш имкониятидир. Риск оқибатларини бартараф этиш борасида ўзаро суғурта жамиятининг имкониятлари ўз-ўзини суғурталашдаги имкониятдан кўра фарқ қилади.

Г.Ф. Шершеневич томонидан таъкидланишича, суғуртанинг иккинчи даражаси ўзаро суғурта бўлиб, ушбу суғурта шакли ўз-ўзини суғурталашдан кейин тижорат суғуртасидан олдин пайдо бўлган ва суғуртанинг барча асосий шартларини ўзида мужассамлаштирган суғурта ҳисобланади⁹.

Д.И. Мейер ўзаро суғурта тўғрисида шундай фикр билдиради: ўзаролик ҳолисидан ташкил этилган суғурта унинг аъзолари учун ҳар жиҳатдан фойдали, аъзолар томонидан тўланган бадаллар фақатгина улар қўрган зарарни қоплаш учун йўналтирилади (бундан ҳеч ким фойда олмайди), тўланган бадалларнинг ортган қисми аъзоларнинг мулки ҳисобланади, тижорат суғуртасида эса кўпроқ суғурта мукофоти тўплаб, кўпроқ фойда олишни таъминлайди¹⁰.

Суғурта соҳасидаги Россиялик таниқли олим Р.Т. Юлдашевнинг фикрига кўра, "суғурта" тушунчаси уни қўллашнинг назарий ва амалий томонларини қамраб олувчи мужассамлаштирган қуйидаги тўртта базавий хусусиятга эга, дея

⁷ Г.Ф. Шершеневич. *А.П. Андеррайтинг в страховании*. – М.: Юнити-Дана, 2015. – 240 с.

⁸ М.Г. Жигас. *Развитие коммерческого страхования в постцентрализованной экономике: методология и практика*. Диссертация на соискание Д.Э.Н. – Екатеринбург, 2007.

⁹ Шершеневич Г.Ф. *Курс торгового права*. – СПб., 1908. Т. 2. С. 358.

¹⁰ Мейер Д.И. *Русское гражданское право*. – СПб., 1897. С. 553.

таърифлайди:

- 1) ижтимоий муносабатлар тизими;
- 2) фаолият тури;
- 3) бизнес тури;
- 4) мулкый манфаатларни ҳимоя қилиш усули¹¹.

Ушбу базавий жиҳатларни ўзаро суғурта билан таққослаган ҳолда, уни авваламбор, фаолият тури дея қараш мумкин.

Р.Т. Юлдашевнинг фикрига кўра, суғурта фаолияти пул фондини (суғурта фондини) ташкил этиш бўйича тадбирлар тизимини амалга оширишни ҳамда суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳодиса юз бериши натижасида суғурталанувчига (суғурта фондига бадал тўлаган шахс) етказилган зарарни қоплаб беришни кўзда тутати. Суғурта фаолияти субъектлари сифатида суғурта компаниялари, ўзаро суғурталаш жамиятлари, ҳамда ўз-ўзини суғурталаш фондларини ташкил этувчи корхоналар иштирок этиши мумкин¹².

Бу таърифда суғурта фаолиятининг мақсади пул фондини (суғурта фондини) ташкил этиш ва суғурталанувчининг зарарини қоплаш ҳисобланади. Бундай ифода этилган фикр, шубҳасиз, суғурта фондини ташкил этиш суғурта фаолиятининг муҳим шарти ҳисобланса-да, ушбу фаолиятнинг мақсадини амалга оширишга имкон берувчи якуний натижа эмаслигини билдиради.

Тижоратга асосланган суғурта концептуал тарзда фойда олишга йўналтирилган бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланишида мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолат муҳим ўрин тутати, яъни: юридик шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва жисмоний шахсларнинг ривожланганлик даражаси; унинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланганлиги; суғурталовчилар суғурталанувчилардан алоҳида ажратилганлиги; фаолият майдонининг катталиги ва ҳоказо.

Дунё олимларининг фикрларини умумлаштирган ҳолда суғуртани қуйидаги ривожланиш босқичларига ажратиш мумкин:

- биринчи босқич – ўз-ўзини суғурталашнинг пайдо бўлиши;
- ўзаро суғурта жамиятларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- давлат суғуртаси, акционер суғурта ва қайта суғуртанинг пайдо бўлиши;
- акционер суғурта ва қайта суғуртанинг кучайиши ва марказлашган монополистик суғуртанинг ривожланиши ҳамда концентрациянинг кучайиши;
- акционер ва ўзаро суғуртанинг ривожланиши ҳамда дунё суғурта хўжалигининг глобаллашуви ва суғурта бозорларининг интеграциялашуви.

Сўнги икки босқичда суғурта соҳасида давлатнинг фаоллашуви ва унинг суғуртадан ижтимоий ҳимоя сифатида фойдаланиши, қайта суғурта ва биргаликдаги суғуртанинг ривожланиши ҳамда суғуртанинг глобал масштабда ривожланиши кучайди.

Ўзаро суғурта тўғрисидаги назарий тушунчалар унинг пайдо бўлиши, амалий қўлланилиши ва такомиллашуви давомида тадрижий ривожланиб келаётган бўлса-да, унинг моҳияти тўғрисидаги қарашларда мунозаралар давом

¹¹ Юлдашев Р.Т. Очерки теории страхования: ретроспективный анализ развития. – М.: Ансил 2009. С. 89.

¹² Юлдашев Р.Т. Очерки теории страхования: ретроспективный анализ развития. – М.: Ансил 2009. С.90.

этномада.

Ҳозирги замондаги маълумотга оид нашрларда ўзаро суғурта жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги ўзаро келишув бўлиб, бу улар ўртасида ўзаро келишиб олинган шартлар асосида юз берган ҳодисадан кўрилган зарарни қоплаб бериш билан боғлиқ фаолият эканлиги таъкидланган¹³, шу билан бирга суғуртавий ҳимоянинг алоҳида шаклларида бири бўлиб, бунда суғурталанувчи бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ҳам эканлиги таъкидланган¹⁴.

Россиялик тадқиқотчи Т.А. Меребашвили ўз тадқиқотларида қуйидаги қулосага келади: “суғуртада тижорат ва ўзаро ёрдам тушунчаларининг йўғунлашуви шундай ҳулоса қилишга имкон беради, яъни ўз табиатига кўра тижоратга асосланган суғурта бир вақтнинг ўзида ўзаро ёрдам хусусиятига эга бўлиши ва ўзаро суғурта бир вақтнинг ўзида тижорат хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштириши керак, акс ҳолда, у суғурта эмас”¹⁵.

Меребашвилининг ушбу фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, албатта. Чунки тижоратга асосланган суғурта ташкилотида суғурталанувчилар бир-бирларини танимайдилар, улар турли соҳа вакиллари бўлиб, бундан ташқари улар мазкур суғурта компаниясининг фаолияти ва унинг аъзолари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконияти ва компания фаолиятида иштирок қилиш имкониятига эга эмаслар. Ўзаро суғурта эса тижорат фаолиятини амалга ошириши зарурат эмас, у, асосан, нотижорат шаклда фаолият юритади.

Россиялик тадқиқотчи С.Г. Скакун томонидан 2009 йилда Москвада тадқиқот қилган диссертацияда ўзаро суғуртага қуйидагича таъриф берилган:

ЎСЖ алоҳида нотижорат ташкилот бўлиб, унинг асосий фаолият йўналиши ушбу жамият аъзоларини суғурталаш, бундан мақсад эса аъзоларнинг мулкни ва мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. ЎСЖда юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг ушбу жамиятга йўналтираётган маблағларини суғурта учун йўналтирадилар ва бу билан улар бир томондан ЎСЖнинг аъзоси сифатида ҳамда унинг бошқарувчиси сифатида иштирок этсалар, иккинчи томондан суғурталанувчи сифатида иштирок қилдилар.

С.Г. Скакун томонидан ўзаро суғуртага берилган ушбу таъриф ушбу фаолиятнинг хусусиятларини кенгрок очиб берган бўлса-да, бир жиҳат яққол эътиборга олинмаган. Бу ЎСЖ аъзосининг ҳаёт ва соғлиғи билан боғлиқ манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш ҳам ЎСЖ фаолият йўналишининг асосий эканлиги эътибордан четда қолган.

Юқоридагилардан ҳулоса қилган ҳолда, ўзаро суғуртага ўз-ўзини суғурталаш ва тижоратга асосланган суғурта шаклларида ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилувчи, суғурта маҳсулотларини яратишининг ҳамда

¹³ <http://yas.yuna.ru/>.

¹⁴ http://www.glossaru.ru/cgi-bin/g1_skh2.cgi?R0pC1Stullvwgju; Райтберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь.-5е изд., перераб.и доп. – М., 2007.

¹⁵ Меребашвили Т.А. Правовые проблемы взаимного страхования ответственности судовладельцев. – СПб.: Издательский дом С.Петербурга, 2004 г. С. 17.

суғурта хизматларини кўрсатишнинг алоҳида, ҳар томонлама қулай, арзон ва ишончли усули сифатида қараш мумкин.

Потенциал суғурталанувчилар ўз хоҳишлари билан шундай жамиятга бирлашадиларки, аслида бу жамиятнинг эгалари уларнинг ўзлари ҳисобланади. Улар бу жамиятни фойда олиш учун эмас, балки ўзларининг мулклари ёки мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этадилар. Бопка соҳалардан фарқли ўлароқ, ўзаро суғурта муносабатларига киришган шахслардан маълум даражада иқтисодий-ҳуқуқий билимларга эга бўлиш, бири-бирига ўзаро ишонч, ҳар иккала томоннинг ўзлари олган жавобгарликлари бўйича масъулият ҳисси бўлмоғи талаб этилади. Бу жамиятнинг принципига кўра, жамият томонидан олинган жавобгарликлар ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун ҳар иккала томон бир хилда жавобгардир.

Юқорида суғуртага ва хусусан, ўзаро суғуртага олимлар томонидан берилган тушунча ва таърифлардан ҳамда амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, ўзаро суғуртага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *ўзаро суғурта юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари, ҳаёти, соғлиғи ва бошқа мулкрий манфаатларига етиши мумкин бўлган зарарларни, ихтиёрийлик асосида, аъзоларнинг маблағларини бирлаштирган ҳолда, ўзаро ёрдамга асосланган жамият тузиши орқали қоплашга йўналтирилган фаолиятдир.*

Суғуртанинг илк кўриниши эрамыздан олдинги икки минггинчи йилликда яшаган Бобил подшоҳи Ҳаммурапи қонунларида мавжуд бўлган. Унга кўра, савдо қарвонидагилар бирортасининг юкига табиий ҳодисалар ёки қароқчилар ҳужуми, ўғрилликлар натижасида зарар етганда, кўрилган зарарни ўртада тўлаб беришни назарда тутувчи келишув имзоланиши белгилаб қўйилган¹⁶. Кейинчалик, эрамызнинг илк давларида аввал Греция, кейин қадимги Рим, Ҳиндистон ва Мисрда турли мақсадларда ташкил этилган шу каби суғурта жамиятлари амал қилган.

Япониядан Европага Буюк Ипак йўли бўйлаб Марказий Осиё орқали савдо қарвонлари доимий равишда ҳаракатланган бўлиб, уларда савдо юклари ва ўз ҳаётларига хавф солувчи табиий ва стихияли ҳодисалар, қароқчилар ҳужуми каби ҳолатларнинг юз бериш эҳтимоли мавжудлиги туфайли ўзаро шундай келишувлар мавжуд бўлиб, унга кўра, сафар давомида юқоридаги ҳодисалар юз берганда кўрилган зарар барчага тенг тақсимланган. Яъни бунда олдиндан суғурта фонди яратилмаса-да, ҳодиса юз бергандан кейин кўрилган зарар аъзолар томонидан қоплаб берилган.

Шу каби жамиятлардан бири сифатида қадимги Римда ташкил этилган "collage tenuiorum" туғрисида маълумотлар мавжуд бўлиб, бу жамиятлар диний, ўртоқлик мақсадларидан ташқари дафн маросимлари каби қутилмаган ҳодисаларда ёрдам бериш мақсадини ҳам назарда тутган жамиятлар эди.

Рим империясида шундай усулда ўзаро суғурта ҳарбийлар ўртасида ташкил этилган. XI-XII асрларга келиб, қадимги Римда амал қилган шундай суғурта жамиятлари тажрибаларидан келиб чиқиб, Германияда савдо гильдиялари ташкил этилган, кейинчалик улар цехлар сифатида амал қилган.

¹⁶ Гомелля В. Б., Рубин Ю. Б., Солдаткин В. И. Страховой портфель. — М.: СОМИНТЕК, 1994. С. 7.

Бундай ташкилотлар кейинчалик суғуртанинг жамоат ташкилотлари сифатида шаклланиши учун замин яратди.

Асл суғуртанинг дастлабки белгилари ўрта асрларда пул кассаларини шакллантириш учун махсус жамиятлар ташкил этилиб бошланган даврларда пайдо бўлган бўлиб, ушбу маблағлар аъзолар ўртасида олдиндан белгилаб олинган ҳодисалар юз бериши натижасида ҳосил бўлган зарарларни қоплашга ўналтирилган. А. Манеснинг таъкидлашича, XI асрдаёқ таниқли Англия ильдияси аъзолардан бирортаси вафот этганда, маросим харажатлари учун аъзолардан бадаллар тўплаган¹⁷.

XII-XV асрларда Флоренция, Венеция, Генуялик савдогарлар биринчи бўлиб денгиз транспорти бўйича ўзаро суғуртани йўлга қўйганлар. XIV асрда емис савдогарлари денгиз суғуртаси бўйича Ганза иттифокини тузишган. Бу йрик суғурта иттифоки эди¹⁸.

1310 йилда Брюгге шаҳрида “Суғурта палатаси” ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади савдогарлар ва ҳунармандларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш ва турли суғурта ҳодисалари камроқ юз берган йилларда олинган ароматни аъзолар ўртасида тақсимлашдан иборат бўлган.

Ўзаро ёрдам тўғрисидаги келишувлар қуруқлик ва денгиз орқали савдо шартларини ташишда кўп ҳолларда бир марталик келишувлардан иборат бўлган. Денгизда кемалар билан бўладиган ҳодисалардан кўрилган зарарларни ҳамда кема экипажининг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ ҳодисаларни суғурталашни назарда тутувчи келишувлар ўз кemasига эга бўлган савдогарлар ўртасида ва савдо юкларига хизмат кўрсатувчи кема эгалари ўртасида форс кўрфазида дастлаб тузилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд¹⁹.

Ўша даврларда фаолият кўрсатган бундай жамиятлар кўп ҳолларда бир марталик келишувлар ёки доимийлик хусусиятидаги келишувлар бўлса-да, шартлар ҳодиса юз бергандан кейин зарарни қоплаш учун аъзолар томонидан кўп кўрган шахсга тўплаб берилган. Ўзаро суғуртадаги ушбу мавжуд шартчилик ўрта асрларга келиб, суғурта фонди олдиндан шакллантириладиган жорат суғуртасининг пайдо бўлишига олиб келди. Тижорат суғуртаси бўйича бўлиб XIV асрда денгиз суғуртасида Италияда пайдо бўлди. Кейинчалик ўзаро суғурта жамиятлари ҳам такомиллашиб, зарарни қоплашни назарда тутувчи шартлар доимийлик хусусиятини олган ва олдиндан суғурта фонди шакллантирилиб бориладиган бўлган. Бундай ўзаро суғурта жамияти шартларида 1650 йилда Францияда “Суғурта камераси” деб номланган, ёнгиндан суғурталашга ихтисослашган жамиятнинг ташкил этилганлигини айтиб ўтиш керак. 1666 йилда Англиянинг Лондон шаҳрида юз берган йрик ёнгин “Hand in Hand”, “Friendly Society fire office” каби шундай жамиятлар ташкил этилишига олиб келди.

Одамлар ўз фаолиятлари билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш ва зарарни юз берганда, зарарни қоплаш мақсадида бирлашганлар. Юкорида

17. сс А. Основы страхового дела. – М., 2010. С. 105.

18. Юсун Ю. В. Справочник страховщика. – Ростов на-Дону: Феникс, 2007. С. 92.

19. Аллалла В. Б., Рубин Ю. Б., Солдаткин В. И. Страховой портфель. – М.: СОМИНТЕК, 1994. С. 8.

келтирилган турли кўринишдаги жамиятлар аъзолик бадалига асосланган, ўз суғурталаш жамиятларининг илк кўринишлари эди²⁰.

Англияда ҳаёт суғуртаси XVII асрда пайдо бўлди. Бу давр дунё бўйлаб суғуртанинг ривожланиш даври эди. Бу Ллойд исмли шахснинг кичик қаҳвахонасида кема экипажи аъзолари ҳаётини суғурталаш шартномалари тузиш билан бошланган. Кейинчалик Англиянинг энг йирик суғурта корпорациясига айланган Ллойд суғурта ташкилоти бугунги кунда мажбурий ихтиёрий суғурта турларини амалга ошираётган йирик суғурта корпорация ҳисобланади. Ҳақ даврда Галлей кометаси ва унинг айланиш майдонини кашф этган таниқли астроном Эдмонд Галлей томонидан биринчи актуарий ташкил этилган. 1693 йилда мазкур шахс томонидан Бреслоу шахри учун вафот этиш жадвали ишлаб чиқилган.

Аъзоларнинг олдиндан тўланадиган аъзолик бадаллари ҳисобига ташкил этиладиган ўзаро суғуртанинг (кўп ҳолларда ҳаёт ва соғлиқ суғуртасининг) илк кўринишлари Англияда дўстлик жамиятлари ёки ўзаро ёрдам жамияти (friendly society), АҚШда биродарлик жамияти (fraternal society) деб аталган.

Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ЎСЖлари фаолиятининг илк давларида аъзоларнинг ёшидан қатъий назар ҳамма учун бир хил бадал белгиланган. Аммо бу кейинчалик ўз самарасини бермади. Суғурта қопламасини олувчиларнинг асосий қисми катта ёшдагилар бўлиши табиий ҳолат. Бундай муаммо кўп йил фаолият кўрсатаётган ЎСЖларида пайдо бўлди чунки аъзоларнинг ёши вақт ўтган сайин катталлашиб борар ва суғурта ходисаси, асосан, катта ёшдагиларда юз берар эди. Бундай ҳолатни кўрган ёш аъзолар бошқа янги ташкил этилган, аъзолар сони кўпроқ ёшлардан ташкил топган ЎСЖларига ўтиб кетиш ҳолатлари юз бера бошлади. Бу эса катта ёшдагилар сонининг янада ортиб кетишига сабаб бўлди. Ушбу муаммога чек қўйиш мақсадида аъзолик бадаллари ёшга қараб белгиланадиган бўлди²¹.

Англияда ўзаро суғурта ёрдамида ҳаётни суғурталаш фаолиятининг янги даври капиталистик тузумнинг пайдо бўлиш давларига тўғри келди. 1762 йилда ушбу мамлакатда "Equitable" ЎСЖнинг ташкил этилиши, кейинчалик унинг Европа ва Америкада ташкил бўлиши ва ривожланиши юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилувчи, суғуртанинг махсус шакли сифатида тушунилишига олиб келди. Ушбу суғурта шаклида ҳар бир суғурталанувчи бир вақтнинг ўзида устав асосида суғурталовчи сифатида фаолият кўрсатиб, суғурта ходисаси юз берганда, ўз зиммасидаги қопламани тўлаш вазифасини амалга оширган. Ушбу жамиятнинг ташкил этилиши ҳаёт суғуртасида янги даврни бошлаб берди. Мазкур жамият биринчи марта ўз фаолиятида статистик маълумотлар ҳамда вафот этиш жадвалидан фойдаланди.

XIX аср бошида Готода (Германия) Эрнест Арнольд томонидан суғурта банки (Gathauer Lebensversicherungs Bank) ташкил этилади. Ушбу банк ўзаро суғурта принципи асосида ташкил этилган. Унинг орқасидан Германияда фақат вафот этишдан эмас, балки маълум ёшга етишдан суғурталовчи "Deutsche

²⁰ Алексеев А.А. Страхование. – Ростов на-Дону: Феникс, 2008. С. 67.

²¹ Лельчук А.Л. Страхование жизни. – М.: Ансал, 2010. С. 23.

Versicherung zu Luchek" номли ЎСЖ ташкил этилади. Биринчи ўзаро суғуртага асосланган суғурта пулига 1752 йилда Америкада Бенжамин Франклин томонидан асос солинди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Англия ва Францияда пайдо бўла бошлаган тижорат суғуртаси XIX асрнинг ўрталарига келиб, ўзаро суғуртани сезиларли даражада сиқиб чиқарди. Аммо XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, бу ҳолатнинг акси юз берди ва натижада ЎСЖлари фаолияти ривожланди.

1.1-жадвал

1939 йилда Германия хусусий суғурта бозорининг таркиби²²

Суғурта ташкилотининг шакли	Суғурта ташкилотлари сони	Суғурта ташкилотлари сонига нисбатан улуши	Умумий суғурта мукофотларига нисбатан улуши
Акционерлик суғурта жамияти	148	4,9	64,6
Йирик ЎСЖ	159	5,3	25,9
Кичик ЎСЖ	2615	86,6	5,3
Чет эл суғурта ташкилотлари	98	3,2	4,2

1939 йилда ЎСЖлари сони Германия жами хусусий суғурта бозорининг 11,9 фоизини ташкил этиб, улар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари жами суғурта мукофотларининг 31,2 фоизини ташкил этган (1.1-жадвалга қarang).

Европа мамлакатлари ўзаро суғуртанинг ривожланишини доимий асосда рағбатлантириб келди, уларга юридик мақом берилди ва солиқ имтиёзлари берилиб, аҳоли қатламларини ушбу жамиятларга аъзо бўлишга тўғриват қилди. Уларга ҳомийлик ёрдами кўрсатганларни фахрий аъзо этиб қабул қилинди.

Россияда подшо Александр II томонидан 1861 йилда ЎСЖлари ташкил этилиши тўғрисидаги фармоннинг чиқарилиши ЎСЖларининг пайдо бўлиши ва тарқалишига сабаб бўлди²³. Натижада 1882 йилда мамлакатда 40 та ЎСЖ ташкил қўрсатган бўлса, XX аср бошларида уларнинг сони 150 га етди.

XIX асрда Россияда мулкларни ёнғиндан суғурталаш энг кенг тарқалган суғурта турларидан бири эди. Ушбу суғурта турини аввал бошда тижоратга асосланган акционерлик суғурта компаниялари амалга оширган. Аммо тарқалилаётган суғурта тарифларининг юқорилиги уларнинг бу фаолияти яқин келажикда сожланишига имкон бермади. Аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайдиган Россия империясининг аҳолисига бу суғурта қимматлик қилди. 1908 йилда муаммони ҳал этиш мақсадида ҳукумат қишлоқ аҳолиси мулкларини суғурталашнинг ўзаро суғуртага асосланган мажбурий шаклини таъин қилиб берди. Суғуртанинг бу шакли ўзининг кўпгина афзалликлари билан

²² Ксер В.К. Общественно-исторические типы страхования. — М.: Юрис, 1993. С. 119.

²³ Общественно-исторические типы страхования, Том XII часть I, издание 1908 года, статьи 429-434.